




**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**  
**NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI**  
**TABIY FANLAR FAKULTETI**  
**Biologiya-Fiziologiya kafedrası**  
**Hayot faoliyatI havfsizligi fanidan**

## **Ma'ruza matni**

**Mualliflar Biologiya-Fiziologiya kafedrası o'qituvchilari**

**J.Mallaeva,M.Yusupov**



**2010-2011 o'quv yili**

Ma'ruza matni bakalauriyat yo'nalishi o'quv dasturi va rejasiga muvofiq, 2002 yil Davlat ta'lim standarti hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2009 yil «26» fevraldagi «51» sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan, №58-bti-3-18 soni bilan «25» fevral 2009 yilda ro'yhatga olingan namunaviy dastur asosida ishlab chiqildi.

**Tashqi taqrizchi:** Kimyo kafedrası dosenti R. Dehqonov

**Ichki taqrizchi:** Biologiya kafedrası katta o'qıtuvchısı b.f.n.: E.Ikromov

**NamDU, Biologiya va Fiziologiya kafedrası yig'ilishining qaroridan**

## **K O` C H I R M A**

№ \_\_\_\_ sonli bayonnoma

« \_\_ » \_\_\_\_\_ 2010 y.

**Qatnashdilar: barcha kafedra a`zolari**

### **Turli masalalar**

Kafedra mudiri dots. A.Aripov so`zga chiqib, J.Mallaeva M Yusupovlarning « Ma`ruza matni xayotiy faoliyat xavfsizligining eng dolzarb muammolaridan biri bo`lmish Mexnat gigenasi va ishlab chiqarish sanitariyasi, muhofazasining huquqiy va tashkiliyasoslari, Ishlab chiqarishdagi zararlı moddalar mavzusidagi ma`ruzasi matni muhokamaga qo`yilganligini gapirdi va so`zni kafedra katta o`qıtuvchısı t.f.n. S boltaboevga berdi. U o`z so`zida ma`ruza matni O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi tomonidan tasdiqlangan namunaviy o`quv dasturi asosida tayyorlanganligini va keyingi yillardagi insonlar xayotiy faoliyati xavfsizligi soxasi bo`yicha yaratilgan yangiliklar unda o`z ifodasini topganligini ta`kidlab, uni universitet o`quv-uslubiy kengashiga tavsiya etilishi mumkinligi xaqidagi fikrni o`rtaga tashladi.

Yig'ilish a`zolari bu fikrni bir ovozdan maqullashdi va kafedra yig'ilishi

**QAROR QILADI**

1. Kafedra o`qituvchisi, J. Mallayeva M.Yusupovlarning ma`ruzasi matni tasdiqlansin.

2. Ushbu ma`ruza matni o`zining elektron versiyasi bilan universitet o`quv-uslubiy kengashiga topshirilsin.

**Yig`ilish raisi,  
kafedra mudiri dots:**

**A. Aripov**

**Kotiba:**

**Sh.Yusupova**

# **Hayot faoliyatI havfsizligi fanidan**

## **Ma`ruza matni**

**Biologiya-Fiziologiya kafedrası o`qituvchilari**

**J.Mallaeva,M.Yusupovlarni**

**Hayot faoliyatI havfsizligi fanidan ma`ruza matniga**

### **T A Q R I Z**

Ma`ruza matni xayotiy faoliyat xavfsizligining eng dolzarb muammolaridan biri bo`lmish Mexnat gigenasi va ishlab chiqarish sanitariyasi, muhofazasining huquqiy va tashkiliy asoslari. Ishlab chiqarishdagi zararli moddalar

Mavzusidagi ma`ruza matni Ma`ruza matni bakalauriyat yo`nalishi o`quv dasturi va rejasiga muvofiq, 2002 yil Davlat ta`lim standarti hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2009 yil «26» fevraldagi «51» sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan, №58-bti-3-18 soni bilan «25» fevral 2009 yilda ro'yhatga olingan namunaviy dastur asosida ishlab chiqildi. bag`ishlangan bo`lib, unda titrash va shovqinning ta`rifi, ularning tasnifi, turlaria, hamda titrash va shovqinning inson organizmiga ta`siri batafsil yoritilgan.Ma`ruza matnida ishlab chiqarishdagi sanitariya gigenik talablar mehnat muhofazasining huquqiy va tashkiliy asoslari va ishlab chiqarishdagi zararli moddalar va ularning oqibatleri to`liq ko`rsatilgan.

**Biologiya kafedrası**  
**katta o`qituvchisi b.f.n.:**

**E.Ikromov**

**Biologiya kafedrasining katta o`qituvchisi J.Mallaeva,M.Usupovlarni**

« Mexnat gigenasi va ishlab chiqarish sanitariyasi, muhofazasining huquqiy va tashkiliy asoslari. Ishlab chiqarishdagi zararli moddalar » mavzusidagi ma`ruza matniga

**T A Q R I Z**

Ma`ruza matni xayotiy faoliyat xavfsizligining eng dolzarb muammolaridan biri bo`lmish Mexnat gigenasi va ishlab chiqarish sanitariyasi, muhofazasining huquqiy va tashkiliy asoslari. Ishlab chiqarishdagi zararli moddalar

Mavzusidagi ma`ruza matni Ma`ruza matni bakalauriyat yo`nalishi o`quv dasturi va rejasiga muvofiq, 2002 yil Davlat ta`lim standarti hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2009 yil «26» fevraldagi «51» sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan, №58-bti-3-18 soni bilan «25» fevral 2009 yilda ro'yhatga olingan namunaviy dastur asosida ishlab chiqildi. bag`ishlangan bo`lib, unda titrash va shovqinning ta`rifi, ularning tasnifi, turlaria, hamda titrash va shovqinning inson organizmiga ta`siri batafsil yoritilgan.Ma`ruza matnida ishlab chiqarishdagi sanitariya gigenik talablar mehnat muhofazasining huquqiy va tashkiliy asoslari va ishlab chiqarishdagi zararli moddalar va ularning oqibatlarini to'liq ko'rsatilgan.

**Kimyo kafedrasida dosenti:**

**R. Dehqonov**

**NamDU, Biologiya va Fiziologiya kafedrasida yig`ilishining qaroridan**

# K O` C H I R M A

№ \_\_\_ sonli bayonnoma

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2010 y.

Qatnashdilar: barcha kafedra a`zolari

## Turli masalalar

Kafedra mudiri dots. A.Aripov so`zga chiqib, J.Mallaeva M Yusupovlarning « Ma`ruza matni xayotiy faoliyat xavfsizligining eng dolzarb muammolaridan biri bo`lmish Mexnat gigenasi va ishlab chiqarish sanitariyasi, muhofazasining huquqiy va tashkiliyasoslari, Ishlab chiqarishdagi zararli moddalar mavzusidagi ma`ruzasi matni muhokamaga qo`yilganligini gapirdi va so`zni kafedra katta o`qituvchisi t.f.n. S boltaboevga berdi. U o`z so`zida ma`ruza matni O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi tomonidan tasdiqlangan namunaviy o`quv dasturi asosida tayyorlanganligini va keyingi yillardagi insonlar xayotiy faoliyati xavfsizligi soxasi bo`yicha yaratilgan yangiliklar unda o`z ifodasini topganligini ta`kidlab, uni universitet o`quv-uslubiy kengashiga tavsiya etilishi mumkinligi xaqidagi fikrni o`rtaga tashladi.

Yig`ilish a`zolari bu fikrni bir ovozdan maqullashdi va kafedra yig`ilishi

## QAROR QILADI

1. Kafedra o`qituvchisi, J. Mallayeva M.Yusupovlarning ma`ruzasi matni tasdiqlansin.

2. Ushbu ma`ruza matni o`zining elektron versiyasi bilan universitet o`quv-uslubiy kengashiga topshirilsin.

**Yig`ilish raisi,  
kafedra mudiri dots:**

**A. Aripov**

**Kotiba:**

**Sh.Yusupova**



## МЕХНАТ МУХОФАЗАСИНИНГ ХУКУКИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ.

1. Мехнат мухофазасининг хукукий асослари.
2. Мехнат мухофазасига оид конунчилик. Республикадаги мехнат мухофазасига доир конун ва хужжатлар.
3. Ўзбекистон республикаси мехнат кодекси.
4. Мехнат мухофазасининг назорат органлари.

Ўзбекистон республикасида мехнат мухофазаси буйича масалалар куйидаги хукукий асослар мавжуд:

— Ўзбекистон республикасининг Конституцияси. Ушбу конституция ун иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ун биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ва шу кундан бошлаб амалга киритилди.

Ўзбекистон республикаси Олий кенгашининг қарори билан мустақил Ўзбекистон республикасининг конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида конституция қабул қилинган кун 8-декабрь умумхалқ байрами яъни Ўзбекистон республикасининг конституцияси куни деб эълон қилинди.

Конституция муқаддимасида куйидагиларни эътиборга олинган. Ўзбекистон халқига — инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитетини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юсак маъсулиятини англаган ҳолда, Ўзбекистон давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаларига таяниб, Демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳукукий давлат барпо этишини кузалб, фуқаролар тинглиги ва миллий татувлигини таъминлаш мақсадида, узининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон республикасининг мазкур конституциясини қабул қилганлигини эътироф этилган.

Конституция олтита булим ва 26 та бобдан иборат бўлиб, улар таркибида Давлат суверенитети, халқ ҳокимиятлиги, конституция ва конуннинг устунлиги, ташкилий, сиёсат, умумий қоидалар, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолатлари, фуқароларнинг бурчлари, жамият ва шахс, жамиятнинг иқтисодий негизлари, оила, оммавий ахборот воситалари, маъмурий-ҳудудий ва давлат тузими.

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва уларнинг ваколатлари ҳамда бурч ва мажбуриятлари белгиланган.

Конституциянинг иккинчи булимида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари 18 моддадан-42 моддаларда алоҳида белгилаб қуйилган. Айниқса, 37 моддада ҳар бир шахс мехнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли мехнат шароитларида ишлаш ва конунда қурсатилган тартибда ишсизликда химояланиш ҳуқуқига эгаллиги ва мажбурий мехнат таққиланганлиги белгиланганлиги қайд этилган.

Республикамизда ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар мехнатни муҳофаза қилишни илмий асосда ташкил этишни тартибга солиш, ҳамда фуқароларнинг соғлигини ва мехнатни муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида 1993 йил 6 май Ўзбекистон республикаси Олий кенгашининг ун иккинчи чакирик, ун иккинчи сессиясида “Мехнатни муҳофаза қилиш” тугрисидаги конун қабул қилинди.

“Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисида”ги конун куйидаги булимлардан иборат:

1. Умумий қоидалар .
2. Мехнатни муҳофаза қилишни таъминлаш.
3. Ишловчиларнинг мехнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларни руёбга чиқаришдаги қафолатлари.
4. Мехнатни муҳофаза қилишга доир конунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилиқ назорати.



5. Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик.

Ўзбекистон республикасининг юқорида қайд этилган қонун 29 та моддадан иборат.

Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчиликда асосан қуйидагилар ёритилган:

— ишлаб чиқариш корхоналарида мехнат муҳофазасини ташкил қилиш, режалаштириш ва утказиладиган тадбирларни таъминлаш;

— ишлаб чиқариш санитарияси ва техника хавфсизлиги бўйича қоидалар, шу жумладан ишчиларни ишлаб чиқаришда жароҳатланиши ва касбий касалликлардан индивидуал химоялаш, ҳамда оғир шароитда ишловчиларни меҳнатга яраша ҳақ тулаш ва имтиёزلардан фойдаланиш;

— аёллар ва балогатга етмаган ёшлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ва уларни нормалари тугрисида қоидалар;

— меҳнат муҳофазаси бўйича давлат нозорат органлари фаолиятини тартибга келтириш бўйича қоидалар;

— меҳнат муҳофазаси қоидалари, талбаларини бузганлик учун жавобгарлик.

Мазкур қонуннинг 1-чи моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларлари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги булмаган шахслар меҳнатини муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Мехнатни муҳофаза қилиш-бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сихат-саломатлиги ва иш қобилиятини сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитар-гигиена ва даволаш профилактика тадбирлари ҳамда воситалар тизимидан иборат эканлиги қонуннинг 2-чи моддасидан алоҳида таъкидланган.

Қонуннинг 3-чи моддасидан эса, меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунлар, уларни қўллаш соҳаси ҳамда қимларга нисбатан амал қилиниши қўрсатилган.

Ушбу қонун ва ҳужалик шакли турлича булган қорхоналар муассасалар, ташкилотлар билан шу жумладан айрим елловчилар билан меҳнат муносабатларида булган барча ишловчилар: кооперативларнинг аъзолари, ишлаб чиқариш амалиётини утаётган олий укув юртлари ва умумий таълим мактаб укувчилари, қорхоналарда ишлашга жалб этилган харбий хизматчилар, суд ҳукми билан жазони утаётган шахслр, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари қорхоналарида ёки ҳуқумлар ижросини амалга оширувчи идоралар белгилайдиган қорхоналарда ишлаш даврида, шунингдек, жамият ва давлат манфатларини қўзалб этиладиган бошқа турдаги меҳнат фаолияти иштирокчиларига нисбатан амал қилади.

Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан амалга оширилади:

4-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати,

— олий ва урта махсус укув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш, хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни химоялаш воситалари ишлаб чиқариш ва жорий этилишини таъминлаш;

— фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ватанимиз ва чет эл илгор тажрибасидан фойдаланиш.

5-модда. Мехнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш.

— меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси амалга оширади.

9-модда. Қорхоналар ва объектларни лойихалаш, қуриш ва ишлатишда ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ва таъминлашда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш. Ҳеч бир янги ёки қайта қурилатган қорхона, ишлаб чиқариш воситалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси бегилаган тартибда бериладиган хавфсизлик шаходатномасига эга булмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши мумкин эмас.

Мехнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиги ва ҳаётига хавф тугдирувчи қорхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтиргунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тухтатиб қуйилиши керак.

10-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш. Ўзбекистон Республикасида давлат ва корхоналар корхоналарнинг мехнатни муҳофаза қилиш хизматларида ишлаш учун олий ва урта махсус укув юртларида мутахассислар тайёрлашни таъминлайдилар.

Олий ва урта махсус укув юртлари талабалари ва укувчилари халқ хужалиги турли хилдаги тармоқларининг ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда “Мехнатни муҳофаза қилиш” курсини ўқишларини ташкил этишлари шарт.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар ва бошқа хужалик бошқаруви идоралари мехнатни муҳофаза қилиш тизимида ишлаш учун мутахассисларнинг қайта ихтисослашувини таъминлайдилар.

14-модда. Корхонада мехнатни муҳофаза қилиш хизматлари. Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан мехнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий қилинади).

Мехнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари уларнинг хизмат вазифаларига таалукли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этишлари мумкин эмас.

19-модда. Ходимларни мехнатни, мехнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларга йул-йуриқлар бериш.

Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан, раҳбарлари касблари ва иш турлари учун давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда ўқишлари, йул-йуриқлар олишлари, билимларни текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўқишлари шарт.

24-модда. Ходимларнинг мехнатни муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқларни ҳимоя этиш бўйича қасаба уюшмаларининг ҳуқуқлари. Қасаба уюшмалари давлат ва хужалик идоралари олдида ходимларнинг мехнатни муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар. Унинг рўёбга чиқарилиши ўстидан назоратни амалга оширадилар, ана шу мақсадда ўз қармоқларида низом асосида ишловчи мехнат техник инспекциясига эга бўладилар.

Ходимларнинг мехнатлари муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари, рўёбга чиқарилиши ўстидан назоратни амалга оширишда қасаба уюшмаларининг мехнат техник инспекцияси исталган қорхонани бемалол қуриб қуриш, аниқланган нуқсонларни бартараф этиш тугрисида маъмуриятга қурсатмалар бериш, мансабдор шахсларга жарималар солиш, агар бундан бўёнга фойдаланилиши ишловчилар солиғи ёки ҳаётига ҳавф тугдирса усқуналар, ўсатқалар, цехлар, ишлаб чиқаришларнинг ишини вақтинча тўхтатиб қуйишга ҳақлидир.

26-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб берайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги махсулотни ишлаб чиқарганлик сотганлик учун қорхоналарнинг иқтисодий жавобгарлик.

27-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлиги.

Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар. Ҳамма турдаги қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооператив ва бошқалар раҳбарлари ўз жойларида мехнатни муҳофаза қилинишига жавобгар шахслар ҳисобланадилар.

### Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунчилик.

Мехнатни муҳофаза қилиш қонунларида қражданларни мехнат қилиш ҳуқуқлари ва имтиёзлари маълум кодекслар орқали ифода этилган, яъни мехнатқашлар маълум миқдорда ҳақ олиш ҳисобига иш билан таъминланишлари, қалақасига қараб хизмат лавозимларида ишлашлари. Ишлаш ҳуқуқи ишлаб чиқариш қучларининг усиб бориши ва халқ хужалигининг ривожланиши ҳисобига ва қасалликни бутунлай тугатиш асосида олиб борилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мехнатни муҳофаза қилиш қонуни ишчиларни дам олиш, 41 соатдан ошмаслиги ҳафталик иш соати ва йилига бир марта ҳақ туланадиган мехнат таътили бериш бепул даволаниш ҳуқуқи, қариганда ёки мехнат қилиш қобилиятини қисман ёки бутунлай йуқотганда социал таъминоти томонидан нафақа белгиланиши назарда тутилади.

Бу конун ва конституция асослари ҳукуматимизнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, социал таъминот Ўзбекистон келажакда буюк давлат булишига Ўзбекистон кишиларининг маданий ва маиший фаровонлигини ушиб боришини таъминлашга қаратилгандир.

Бундан ташқари захарли омилларда ишлаган ишчиларга қушимча меҳнат таътили бериш, қушимча ҳақ тулаш, касаб касалликларига чалинмаслик учун соғлиқни мустаҳкамлаш учун бепул озик-овқат бериш.

“Ўзбекистон гаржданлик қонуниятлари асослари” ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш” қонуниятлари асосида ишлаб чиқариш қорхоналари меҳнатқашларга ишлаб чиқариш билан боғланган ҳар қандай шакстланиш ёки зарарланишни, шунингдек, моддий йукотишни қоплаш мажбуриятини оладилар.

### Ўзбекистон республикаси меҳнат кодекси.

Ўзбекистон республикаси меҳнат кодекси Ўзбекистон республикаси Олий мажлисининг 1995 йил 21 декабрь № 162/1 сонли қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон республикаси меҳнат кодекси 1996 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилган. Меҳнат кодекси 2 та қатта қисмдан иборат. Улар.

1. Умумий қисм,
2. Махсус қисмлардир.

**Умумий қисм:** 4 та бобни ўз ичига олади. Умумий қисм 56 та моддадан иборат бўлиб, уларда асосий қоидалар, меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари, ходимлар ва иш берувчининг вакиллиги, жамоа шартномалари ва келишувлари ҳақида баён қилинган.

**Махсус қисм:** эса 12 бобдан иборат бўлиб, 238 та моддани ташқил қилади. Унда ишга жойлаштириш, меҳнат шартномалари, иш вақти дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тулаш, кафолатли туловлар ва қопенсация туловлари меҳнат интизоми, меҳнат шартномаси, тарафларнинг моддий жавобгарлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, айрим тоифадаги ходимларга ва имтиёзларга, меҳнат низолари, давлат ижтимоий сугуртаси ҳақидаги моддаларни ўз ичига олган.

Меҳнат кодекси 16 боб ва 294 моддадан иборат.

3-моддада айтилгандек меҳнат кодекси Ўзбекистон республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

I-боб, 13-модда бўлиб, унда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш норматив ҳужжатлар, меҳнат тугрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари қонуни ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорини самарали амал қилиниши, ҳаққоний ва ҳавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи тугрисида гамхурлик қилинишини таъминлаши, меҳнатга оид муносабатларни қонунлар орқали ва шартномалар асосида тартибга солишнинг узаро боғлиқлиги тугрисидаги фикрлар юритилган, яна ушбу бобда меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномалар шартларининг ҳақиқий эътибори, меҳнатга оид муносабатларда қамситишнинг таъқиқланиши, мажбурий меҳнатни таъқиқланиши, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида гапирилган, ҳамда меҳнат соҳасидаги давлат бошқаруви, меҳнат тугрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш, халқаро шартномалар, конвенциялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси меҳнат тугрисидаги қонун ҳужжатларининг нисбати, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган махсулот нисбатан меҳнат тугрисидаги қонун ҳужжатларини қулланиши, меҳнат тугрисидаги қонун ҳужжатларини чет эл қорхоналарида қулланилиши ва ушбу кодексда назарда тутилган моддаларни ҳисоблашлар ҳақида айтилган.

II-бобда ходимлар ва иш берувчилар меҳнатга оид муносабатларни субъектив бўлимлари ҳамда ходим ва иш берувчининг асосий ҳуқуқлари ва меҳнат жамоаси, ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллик органиларини меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари, бўлимлари ҳақидаги моддалардан тузилган. Масалан, 16-модда ҳар бир ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш; касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш ва шу каби ҳуқуқларга эга эканлигидан иборатдир.

III-боб эса ходимларнинг корхонадаги вакиллиги меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил булиш ва манфаатларни химоя қилишни корхонадаги касаба уюшмалари ва уларни сайлаб қўйиладиган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошқа органлар амалга ошириши мумкин, бу органларни сайлаш тартибини, уларнинг ваколатлари муддати ва микдор таркибини меҳнат жамоасининг йигилиши(конференцияси) белгилайди. Яна касаба уюшмалари, ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқлари, иш берувчининг ходимларининг вакиллик органлари олдидаги мажбуриятлари, ходимлар вакиллик аъзоларнинг меҳнат соҳасидаги қўшимча қачолатлари ҳамда иш берувчиларнинг корхонадаги вакиллиги, иш берувчиларнинг вакиллик органлари тугрисида ёзилган.

IV-боб жамоа шартномалари ва қелишувлари ташкил этиш ва амалда бажариш тугрисидаги моддаларни уз ичига олади. Ушбу бобда жамоа шартномалари ва қелишувларининг тушунчаси ва мақсади, уларни тузилишининг асосий принциплари, музокараларни олиб бориш ҳуқуқи ва тартиблари ҳақида айтиб утилган. Яна музокаралар давомида қелиб чиқадиган ҳар хил низоларни бартараф этиш ва жамоа шароитлари ва қелишувлари тугрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тугрисида ҳам қўрсатилган. Жамоа шартномалари тузиш, ҳақида қарор қабул қилиниши, уни мазмуни ва тузилиши лойиҳасини муҳокама қилиш, тузиш тартиби, амал қилиш, муддати, амал қилиш доиралари тугрисида ва қандай ҳолларда жамоа шартномасининг уз қучини сақлаб қолиш, ҳамда уни бажарилишини назорат қилиниши таъкидланган. Жамоа қелишувларини ҳам турлари, уларни ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби, муддатлари, мазмуни, узгартириш ва қўшимчалар киритиш, амал қилиш муддати ва доираси бажарилишини текшириб бориш ушбу бобга киритилган.

V-бобда ишга жойлаштириш ҳақида ёзилган. Унга ишга жойлашиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш қачолатлари, ишга жойлашишга давлат йули билан қумаклашиш ҳақида маҳрум бўлган шахслар учун мақбул қиладиган иш, мақбул қиладиган иш ёки мақбул қилмайдиган ишлар, тақлиф қилинган мақбул қиладиган ишни рад этган пайтда яна қандай ҳолларда ва қимларга ишсизлик нафақалари тулиш тугрисида, ҳамда нафақа тулашни муддатлари, уни бекор қилиш, тухтатиб қўйиш ва унинг микдорини қамайтириш, меҳнат шартномаси алоҳида асосларга қўра бекор қилинганда моддий мадад бериш учун белигиланган қўшимча қачолатлар, аҳолини айрим тоифалари ва давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланадиган ходимларни ишга жойлаштириш юзасидан қўшимча қачолатлар, ишга жойлаштириш тугрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини текшириб бориш ва уларни бузганлик учун жавобгарлик тугрисидаги фикрлар ёритиб берилган.

VI-бобнинг 1-булимида умумий қоидалар меҳнат шартномасининг тушунчаси ва тарафлари, мазмуни, шакли, муддати ҳамда иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқини чеклашга оид муносабатлар билдирилган.

2- булимда эса меҳнат шартномасини тузиш, ишга қабул қилинадиган ёш, ишга қабул қилишни қайриқонуний равишда рад этмаслик, қариндош уруғларнинг давлат қорхоналарида бирга хизмат қилишларини чеклаш, ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар, меҳнат шартномасини қўчга қириши ва ишнинг боланиш қўни ҳамда ишга қабул қилишда дастлабки синов, уни муддати, натижалари ҳақидаги мулоҳазалар баён қилинган.

3 ва 4-булимларда меҳнат шартномасини узгартириш ва бекор қилиниши тугрисида ёзилган. Меҳнат шартларини белгилаш ва узгартиришнинг умумий тартиби, иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини узгартириш ҳуқуқи, ходимнинг меҳнат шартномаларини узгартириш ҳуқуқи ва иш жўйини узгартириш, меҳнат шартномасини узгартиришни расмийлаштириш ҳақида 3-булимда айтилган. 4 булимда эса меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари, меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш, иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши, меҳнат шартномасини тиш нафақаси, ишга тиклаш ва меҳнат шартномасини бекор қилишда қайриқонуний равишда бузғалик учун жавобгарлик ва ишдан четлаштириш ҳолатлари намоён бўлади.

VII- бобда иш вақти ҳақида суз юритилган. Иш вақти тушунчаси иш вақтининг нормал муддатлари, қисқартирилган муддатлар, ноқўлай меҳнат шартномаларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати, туликсиз иш вақти, иш ҳафтасининг

турлари, режими, байрам кунлари арафасидан ишнинг муддати, тунги вақтдаги ташкари ва унинг энг кун муддати тугрисидаги маълумотлар ушбу бобни асосини ташки этади.

ҮШ-боб дам олиш вақтлари хақида булиб, унда танафуслар, дам олиш ва байрам кунлари, таътиллер борасида суз юрилган. Бу бобда дам олиш вақти тушунчаси, иш куни давомидаги танафуслар дам олиш кунлари, байрам кунлари, дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишнинг чекланиш тугрисида гапирилган. Яна йиллик меҳнат таътиллари, асосий таътил, узайтирилган асосий таътиллер кишиларни ёши ва соғлиги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда берилади. Йиллик қушимча таътиллер ноқулай ва алоҳида тусга эга булган ишлар учун меҳнат шартномаси оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитидаги иш учун йиллик таътиллари муддатини ҳисоблаш ва таътиллерни жамлаш тартиби, таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш, таътил бериш тартиби, вақти ва навбати уни узайтириш ёки бошқа муддатга қучириш, қисмларга булиш, таътилдан чиқариб олиш таътиллер учун ҳақ тулаш, ижтимоий таътиллер, иш ҳаққи сақланган ҳолда бериладиган таътиллер фойдаланилмаган таътиллер учун пуллик компенсация тул ҳақи миқдорини тулаш, меҳнат шартномаси бекор қилинган йиллик асосий ва қушимча таътилдан фойдаланиш тугрисида айтилган.

IX-боб эса меҳнат ҳақ миқдорини белгилаш, меҳнатга ҳақ тулаш қафолатлари, меҳнат ҳаққининг энг кам миқдори, уни шартларини узгартириш, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун ҳақ тулаш, тунги вақтидаги иш учун ҳақ тулаш, бекор туриб қолинган вақт учун ёеи бир неча қасбда ва уриндош асосда ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тулаш ва ҳақ тулаш муддатлари, ходим вафот этганкунга қадар олинмаган иш ҳаққини бериш, иш ҳаққини тулаш жойи, меҳнат ҳақидан ушлаб қилиш тугрисидаги моддалардан иборат.

X-боб ходимлар давлат еки жамоа вазифаларини бажараётган вақтида бериладиган қафолатлар, иш берувчи ва меҳнат жамоа манфаатларига доир вазифаларни бажариш вақтида бериладиган қафолатлар, ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар уқилганда бериладиган қафолатлар, уртача иш ҳаққини ҳисоблаб чиқариш, иш билан боғлиқ ҳаражатларнинг компенсацияси хизмат сафари даврида ва қучиб юриш билан боғлиқ ишларда ҳаражатларни тулаш бошқа жойдаги ишга қучиб борганда ва ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганлик учун ҳаражатларни тулаш тугрисидаги моддалардан тузилган.

XI-меҳнат интизомлари тугрисидадир. Корхонада меҳнат тартиби, интизом тугрисидаги устав ва низомлар, ходимнинг бурчлари, иш берувчининг бурчлари, ходимларни узларини меҳнат вафалари билан таништириш, меҳнат интизомини таъминлаш, меҳнат учун рағбатлантириш, интизомий жазолар, интизомий жазоларни қулланиш тартиби ва амал қилиш муддати, интизомий жазо устидан шикоят қилиш ҳақидаги моддаларни ушбу бобда қуриш мумкин.

XII-боб. Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги тугрисидаги моддалардан иборат. Меҳнат шартномасининг бир тарафи бошқа тарафга етказган зарарни қоплаш мажбурияти ва моддий жавобгарликни юзага қелиш шартлари, ҳақидаги қонунлар умумий қоидаларга қиради. Ходимга етказган зарари учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги асосини ходимга: туланиши зарур булган, иш берувчининг ходим соғлигига етказилган, зарарни тулаш мажбуриятли, ходимнинг соғлигига шикаст етказганлиги муносабати билан туланиши лозим булаган зарур миқдори ходимнинг соғлигига шикаст етказилганда меҳнат шартномаси тарафларининг аралаш жавобгарлиги, боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан туланадиган зарар миқдори, ходимнинг соғлигига шикаст етказганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан зарарни тулаш ва муддатлари, ходимнинг мол-мулкига етказган зарари учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги, ходимга етказилган зарарни ундиришга доир ишларни қуриш тартиблари ташкил қилади.

3-булимда эса иш берувчига етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлиги, тугрисидадир. Иш берувчига туланиши лозим булган зарар, ходимни моддий жавобгарлигини истисно этувчи ҳолатлар, иш берувчининг ходимдан зарарни ундиришдан воз қечиши, ҳуқуқий ходимнинг моддий жавобгарлик чегараси, ходимнинг тулик жавобгарлик ҳоллари, ходим томонидан зарарни ихтиёрий равишда тулаш, зарарни ундириш тартиби, қорхонага унинг раҳбари томонидан етказилган зарари туланиши, зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва зарар миқдорини суд томонидан қамайтирилиши тугрисидаги моддалар ушбу булимга таалуклидир.

XIII-боб меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ходимнинг меҳнати муҳофаза қилиш нормалари, коида ва йуриқномаларга риоя этиш мажбурияти, ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи, табиий курик, меҳнатни муҳофаза қилиш буйича йуриқлар бериш ва уқитиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилган маблағлар, ходимларни суд даволаш профилактика озик-овқат, газли шур сув, шахсий химоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш соғлиги ҳолатига кура енгилрок ишга утқазиш, ходимнинг уз ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солаётган ишни бажаришни рад этиш ҳуқуқи, ногиронлар меҳнати муҳофаза қилиш қушимча чоралари, ходимларга дастлабки тиббий ёрдам курсатиш ва уларни даволаш профилактика муассасаларига олиб бориш ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ҳисобга олиб бориш ва текшириш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан назорат қилиш ва текширув утқазиш ҳақидаги фикрлар баён этилган моддаларни уз ичига олади.

XIV-бобда эса аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга, ёшларга ҳамда ишни таълим билан бирга қушиб олиб бораётган шахслар учун қушимча қафолатлар ва имтиёзлар баён қилинган уларни иш вақтларини белгилаш ва қисқартириш, енгилрок иш билан таъминлаш, қушимча дам олиш кунлари ва қушимча тадбирлар таътиллар бериш, 18 ёшга тулмаган ёшлар учун меҳнат ҳаққи тулаш, ҳамда таълим муассасаларига уқийётган ходимлар учун имтиёзлар ва турли хил таътиллар ҳақида моддаларни ташкил этади.

XV-боб меҳнат низолари ҳақида булиб, унда яққа меҳнат низолари ва турли хил низолар, уларни мазмуни ва келиб чиқиш сабаблари, уни бартараф этиш даврида комиссия ва судга муурожаат қилиш ҳуқуқлари, жамоаларга доир меҳнат низоларини зиддиятларини қуриб чиқиш тартиблари ва ҳусусиятлари ҳақида батафсил айтиб утилган.

XVI-боб давлат сугуртасига оид булган моддалардан иборат

Умумий коидалар: давлат ижтимоий сугуртасининг барча ходимларга тадбиқ этилиши, давлат ижтимоий сугуртаси учун бадал тулаш, давлат ижтимоий сугурта ҳисобидан бериладиган таъминот турларидан иборатдир.

Вактинча меҳнатга қобилиётсизлик нафақаси, бола тугулганда бериладиган нафақа, дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа буларни барчаси давлат ижтимоий сугуртаси буйича бериладиган нафақалар жумласига қиради.

Пенсия таъминотини эса ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси боқувчини йуқотганлик пенсияси, пенсия турини танлаш ҳуқуқи, давлат пенсияларини турлари, сугурта қилинган ходимларни давлат пенсиялари билан таъминлаш тартиби тугрисидаги моддалар ташкил этади.

Ушбу меҳнат кодекси жамятимизда меҳнат қонунларини бузилишини олдини олиш ҳамда турли хилдаги меҳнатга оид булган масалаларни оқилона ва тугри хал этилишида муҳим роль уйнайди.

### Меҳнат муҳофазасининг назорат органлари.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг махсус назорат органиларига қуйидагилар қиради:

1. Қасаба уюшмасининг (профсоюзнинг) техник назоратчилари. (инспектор).
2. Вазирликнинг саноатли ҳавфсизликни олиб бориш назорати ва давлат қомитетлари.
3. Санитар назорати.
4. Энергетика назорати.
5. Ёнгина қарши қураш назорати.
6. Жамоат назорати.

Профсоюзнинг техник инспектор: хар бир саноат қорхонасига профсоюзнинг техник инспектори берқитиб қуйилади. Улар меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига қузатуб турувчи давлат назоратчиси ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифалари бахтсиз ходисаларни текшириш ва ҳисобга олишни қорхона маъмурияти томонидан тугри олиб борилаётганлигини қузатиб бориш. Бахтсиз ходисаларни текшириш ва материаллари буйича айбдорларни текшириш ва тегишли органларга жунатиш. Янги объектлар ва янги усқуналарни экспулатация қилиш учун топширик давлат қабул комиссиясида қатнашиш шунингдек, у меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишни қузатиб боради.

Вазирлик қошида саноатда хавфсизлик ишини олиб бориш назорати давлат компонентлари: Гостехнадзор, госкотландзор, пожарная охрана ва хоказолар. Булар ҳам профсоюз техник инспекторлари каби вазифаларини амалга оширади.

Санитар назорати Давлат санитари Ўзбекистон согликни сақлаш вазирлиги қошидаги санитар-0эпидимиология хизмати орқали амалга оширилади, асосий вазифаси ташки мухитни(сув, тупрок атмосфера)ни саноат чиқиндилари билан ифлосланмаслигини кузатиб боради. Шунингдек, саноат корхоналарининг санитар-гигиена ҳолатини ва касб касалликларининг келиб чиқмаслиги чора-тадбирларини амалга оширади. Объектларни қабул қилишда, касб касалликларини захарланиш ҳолатларини текшириб, маъмурият билан уларни йукотиш, олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқаради ва амалга оширади.

Электр-энерготехник назорати. Давлат энергетика ва электрлаштириш саноати вазирликлари томонидан амалга оширилади. Улар назорат вазифаларини тузатиш ҳамда айбдорларга жазо чораларини белгилаш мақсадида қуйидаги ваколатлар берилган:

- саноат корхоналарини хоҳлаган вақтида қаршиликсиз текшириш;
- меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва шароитларни яхшилаш, камчиликларни бартараф қилишни маъмуриятдан талаб қилиш;
- камчиликларни бартараф қилиш учун курсатмалар бериш ва уларни бартараф қилиш муддатларини белгилаш;
- ишчини ҳаётий ва касб касаллигини келиб чиқиш эҳтимоли бўлса ишни тухтатиш, агар зарурат тугилса корхона ишини тухтатиш мумкин;
- меҳнат қонуниятларини хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси норма ва қоидаларини бузган ва коллектив битимларида курсатилган иш шароитини соғломлаштириш чора тадбирларини ўз вақтида бажармаган маъмурият ходимларини жавобгарликка тортиш.

Жамоат назорати: бу қасаба уюшмаси органларини амалга ошириладиган турига қиради ва давлат марказ қасаба уюшмаси қумитаси томонидан тасдиқланган қарорлар билан белгиланган. Уларни назоратни қуйидаги тартибда изохлаши мумкин:

- марказ қасаба уюшмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бўлиши мумкин;
- республика қасаба уюшмаси кенгаши;
- қасаба уюшма кенгаши тармоғи;
- вилоят қасаба уюшмаси тармоғи;
- саноат корхона қасаба уюшма қумитаси;
- участка қасаба уюшма гуруҳлари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари, комиссияси ва жамоат назоратчилари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги 1993 йил 6 майда қабул қилинган меҳнатни муҳофаза қилиш қонунида маъмурият мажбуриятлари, хавфсизлик техникаси муҳандисининг қасаба уюшмаси қумитасининг вазифалари ва ҳуқуқлари белгиланган.

### **“Таянч” суз ва иборалар.**

1. Ўзбекистон республикасининг конституциясининг тавсифи ва таснифи.
2. Конституция муқаддимасида нималарга жъътибор берилган.
3. Меҳнат муҳофазаси тугрисида қонун қачон қабул қилинган? Неча бўлим ва моддадан иборат.
4. Меҳнат муҳофаза қилишдаги давлат сиёсати.
5. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқарилиши.
6. Меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш.
7. Фуқароларни меҳнат қилишга доир ҳуқуқлари ва бурчлари.
8. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун жавобгарлик.
9. Аёллар ва усимирлар меҳнатини муҳофаза қилиш.
10. Меҳнат интизоми ва иш, дам олиш ҳуқуқи ва вақтлари.
11. Ўзбекистон республикаси меҳнат кодексини тавсифи.
12. Меҳнат кодекси неча қисмдан иборат. Таърифлаб беринг.
13. Иш берувчилар ва ходимларни бурч ва вазифалари.
14. Меҳнат муҳофазаси бўйича давлат ва жамоат назорат органларининг бурч ва вазифалари.

15. Мехнат ва жамоат шартномаларини тузиш тартиби ва моҳияти.
16. Ходимларга давлат ёки жамоа вазифаларини бажариш вақтидаги кафолатлар.
17. Ходимларнинг моддий жавобгарлиги.
18. Иш берувчининг моддий жавобгарлиги.
19. Давлат стандарт назоратининг бурч ва вазифалари.
20. Электр энергетик назорати кафолатлари.
21. Жамоат назорати органларининг ваколатлари.
22. Давлат сугурта органларининг вазифалари.
23. Мехнатни муҳофаза қилиш буйича қонунчиликда қандай масалалар ёритилган.
24. Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисида қонуннинг 10,14-моддаларида нималарга эътибор берилган.
25. Мехнат кодексини 13-бобида асосан қандай масалаларга эътибор берилган.
26. Конституция неча бобдан иборат ва қандай масалалар ёритилган.
27. Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонуннинг 3-моддасида қандай масалалар ёритилган.
28. Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисида қонуннинг 19,24-моддаларида қандай масалаларни ёритилган.
29. Мехнат кодексининг иккинчи махсус қисмида қандай масалалар ёритилган.
30. Мехнат кодексининг 1-боб, 13-моддасида қандай мехнатга оид масалалар баён этилган.

## **МАЪРУЗА № 2**

### **МЕХНАТ ГИГИЕНАСИ ВА ИШЛАБ ЧИКАРИШ САНИТАРИЯСИ**

#### **1. Саноат корхоналарида мехнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси.**

#### **2. Метрологик шароит ва унинг инсон терморегуляциясига таъсири.**

#### **3. Метрологик шароит курсаткичларини меъёрлаштириш.**

1. Саноат корхоналарида инсон организмга ишлаб чиқаришни ҳар хил зарарли омиллар таъсир қилади.

Зарарли омиллар физик, кимёвий, биологик ва психофизиологик гуруҳларга ажратилади. Уларнинг ҳаммаси инсон организмга бевосита технологик жараёнлар, хом ашё ва ёрдамчи ашёларнинг хоссалари, мехнат тартиботлари ҳамда атроф муҳит орқали таъсир қилади.

Барча зарарли омиллар инсон организмнинг ташқи таъсирларга қаршилик қуратишини сусайтиради, мехнат қобилияти қамайтириши ёки бутунлай йуқолишига олиб келади.

Мехнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси ишловчиларга зарарли омиллар таъсирини йуқотувчи ёки қамайтирувчи ташкилий ҳамда санитария техник тадбирлар ва воситалар мажмуидир.

Агар ишлаб чиқариш омилларининг таъсири муайян шароитда инсоннинг касалланиши ва мехнат қобилиятини йуқотишига олиб келса, улар зарарли ҳисобланади. Қўнғилсиз ходисалар ва касбий касалланишлар инсоннинг соғлиғига зарар етказибгина қолмасдан, балки иқтисодий зиён ҳам етказиши: иш вақти ёқотилишига, усқуналарнинг тухтаб қолишига, махсулот ишлаб чиқаришининг қамайтиришига, шунингдек, ижтимоий сугурта ва зарарлар урнини қоплашлар буйича туловлар қуранишида бевосита харажатларга олиб келади. Бу зарарни жумхуриятимиз микёсида ҳисоблайдиган бўлса, ҳар йили бир неча миллиард сумни ташкил этади.

Мехнат гигиенаси инсон организмга мехнат жараёни ва атрофдаги ишлаб чиқариш муҳитининг таъсирини урганади ҳамда мехнатнинг санитария-гигиена шароитини яхшилашга доир тавсияномаларни ишлаб чиқади. Бу тавсияномалар ишловчилар соғлиғини ва мехнат қобилиятини сақлашга ёрдам беради.

Агар гигиена соғлиқни сақлаш ва яхшилаш ҳақидаги фан бўлса, санитария буни амалга оширишга ёрдам берадиган амалий фаолиятдир.



Ишлаб чиқариш санитарияси саноат корхоналари, ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарининг худудини санитария жихатидан ободонлаштириш, санитария техникаси ускуналари урнатиш, санитария-маиший бинолар куриш, меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришда касбий касалланишлар ҳамда захарланишларнинг олдини олиш, меҳнаткашлар соғлигини сақлаш масалаларини ҳал этади, шунингдек меҳнатни илмий ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш эстетикаси билан боғлиқ бўлган гигиена тадбирларини ишлаб чиқади.

Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитариясининг ҳамма талаблари бажарилишини назорат қилиш жумхуриятимиз Сокликни сақлаш вазирлигига қаршли санитария-эпидемияга қарши хизматлари ташкилотлари ҳамда муассасалари зиммасига юклатилган. Улар саноат корхоналарини лойихалаш, куриш ёки қайта куриш ва улардан фойдаланиш босқичида санитария назоратини амалга оширади. Саноат санитарияси назорати ташкилоти руҳсат бермаса, бу корхоналарни фойдаланишга топшириш мумкин эмас.

Инсон организми яхши ишлаши учун аввало уни қуршаб турган муҳитнинг муаёян шароити зарур бўлади. Меҳнат фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш муҳити инсон организмига маълум даражада таъсир қилади. Бу таъсир қуйидагиларга боғлиқ:

— технологик жараённинг тури ҳамда техник таъминотиغا;

— меҳнатнинг санитария шароитига (шовкин, титраш, нурланиш, захарлар, газлар, чанг ва шу қабиларга).

Ишлаб чиқариш жараёнларининг эҳтиёжлари учун турли хил энергиялар, хом-ашёла, машиналар, механизмлардан фойдаланилади. Улар ҳаво муҳитига шовкин, титраш, нурланиш, юқори ва паст босимнинг вужудга келишига сабаб бўлувчи газлар, буглар, чанг, ортикча иссиқлик ҳамда намликни чиқаради.

Ишлаб чиқариш муҳитининг турли омиллари ишчининг организмига зарарли таъсир қурсатиши ва унинг соғлиги ҳамда ишлаш қобилияти бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Касбий зарарлар ва касалликларга қарши кураш, тадбирлари мажмуида қуйидагилар қўзғатилари:

— меҳнат ва дам олиш тартибини тугри ташкил қилиш, ишда танаффусларда фойдаланиш, ускуналарни ишлаб чиқариш бўлинмасида тугри жойлаштириш ҳамда иш уринларини тугри ташкил этиш;

— ишлаб чиқарини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқариш, жисмоний оғир ишларни чиқариб ташлаш, зарарли моддаларни зарарсизлаш билан алмаштириш;

— иш вақтига меъёр белгилаш, аёллар ва усимрлар меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчиларга тиббий-санитария хизмати қурсатилишини уюштириш;

— иситиш, шамоллатиш, ёритиш ва ҳавони муътадиллаш ускуналарини урнатиш, ичимлик сув билан таъминлашни ташкил қилиш;

— қоржом, эшитиш, куриш аъзолари ва тери учун яққа тартибдаги химоя воситалари билан таъминлаш.

Ишлаб чиқариш муҳитининг метеорологик шароити ҳавонинг ҳарорати, намлиги, тезлиги билан, ишлов берилаётган ашёлар ва буюмлардан, ускуналарнинг кизиган сиртларидан иссиқлик тарқалиши билан белгиланади. Улар муайян технологик бўлинма учунгина хос бўлиб, ишлаб чиқариш хонасининг микроклими деб юритилади.

Хонанинг микроклими деганда, инсоннинг қайфиятига таъсир қурсатадиган метеорологик омиллар мажмуи тушунилади. Инсоннинг қайфияти энг яхши ва ишлаш қобилияти энг юқори бўлишини таъминловчи ана шу омиллар бирлиги ҳар жихатдан қулай шароит дейилади.

Овқатланиш ва ишлаш натижасида инсон организмида иссиқлик ҳосил бўлиб, кейин у атроф-муҳитга асосан тери орқали ва қам микдорда упқа орқали чиқиб кетади. Атроф муҳитнинг метеорологик шароити шундай бўлиши керакки, инсон узининг аҳоли меъёрида бўладиган микдордагина атроф-муҳитга иссиқлик берадиган бўлсин. Бу ҳодиса инсон организмнинг узига хос хусусияти-терморегуляция туфайли содир бўлади.

Ишлаб чиқариш микро иқлим шароит нормалари меҳнат ҳавфсизлиги стандартлар системаси “Иш зонаси микроклим” ГОСТ. 12.0.005-76 га асосланган. Улар гигиеник ва техник-иктисодий принципларга асосланади.

Метрологик шароитлар қуйидаги параметрлар ёрдамида белгиланади:

1. Хаво харорати, °С
2. Нисбий намлик, %.
3. Хивонинг силжиш тезлиги, м/с.
4. Атмосфера босими, гПа(мм симоб устуни).

Саноат корхоналарининг хоналаридаги харакатлар ва йил фаслларининг иш жойи метрологиясига караб улардаги харорат, нисбий намлик ва хаво харакатининг иш жойлари учун рухсат этилган нормалари СН 245-71; ГОСТ 12.1.005-76 деб белгиланган. Одам хаёт фаолиятида нафас олишга атмосфера босими куйидаги кийматларда булади: 734-1267 гПа яъни 550-950 мм симоб устуни босим зарурдир.

Иш мухитидаги оптимал ва йул куйса буладиган метрологик шароитларни вужудга келтиришда куйидагилар хисобга олинади:

1. Йил фасллари йилнинг совук ва утиш даврида ташки мухитнинг уртача суткалик харорати +10°С дан кичик, иссик фаслларда эса +10°С дан юкори булиши керак. Шунинг учун хам йилнинг фаслига караб нормалар белгиланади ва согломлаштириш тадбирлари утказилади.

2. Иш категориялари - хамма бажарадиган жисмоний иш категориялари куйидаги турларга ажратилади:

— енгил жисмоний ишлар бунда энергия сарфи 172 дж/с 150 ккал ни ташкил этиб унга аник асбобсизлик ва машинасозлик корхонаси ишчиларининг бажарадиган жисмоний ишлари киради;

— уртача жисмоний ишлар бунда энергия сарфи 172-дж/с-293 дж(150-250 ккал) энергия сарфланади. Бунга доимий юриш ва унча огир булмаган (10 кг гача) юкларни ташишга боглик булган ишлар киради. Йигирув, тикув ишлари, механик йигув, пайвандлаш цехларидаги ишлар шулар жумласига киради;

— огир жисмоний ишлар - бунда мунтазам жисмоний зурикиш, хусусан огир юкларни (10 кг дан ортик) мутассил бир жойдан иккинчи жойга кутариш билан боглик ишлар киради. Энергия сарфи 293 ж/с (250 ккал) дан юкори булади. Бундай ишларга темирчилик, куув ва бошка цехларда бажариладиган ишлар киради.

Урта Осиё республикаларида иш шароитларида доимий иш уринлари учун куйидаги оптимал параметрлар кабул килинган:

1. *Ёнгин ишлари учун*

Хаво харорати 22-25°С

Нисбий намлик 60-30 %

Хаво харакати тезлиги купи билан 0,2-0,5 м/с

2. *Уртача огирликдаги ишлар учун мос холда*

Хаво харорати 20-22°С

Нисбий намлик 60-30 %

Хаво харакати тезлиги 0,6 м/с

3. *Огир ишлар учун*

Хаво харорати 18-21°С

Нисбий намлик 60-30 %

Хаво харакати тезлиги 0,3-0,7 м/с

Юкорида кайд килинган жисмоний ишлар учун атмосфера босими 734-1267 гПа ёки 550-950 мм симоб устуни босимида булишини таъминланади.

Хоналарнинг аник иссиклик миқдори оркали характеристикаланади. Хамма ишлаб чикариш хоналари аник иссикликнинг юкори ва кам миқдор оркали характеристикаланади. Хонанинг (м) миқдорига тугри келадиган 23,2 ж/м<sup>3</sup> соат дан юкори ёки кам миқдори асоси белгиловчи курсаткич хисобланади.

Аник иссиклик хона иш майдони(мухитига) жихозлар иситкич асбоблар, киздирилган материаллар, одамлар ва бошка манбалардан тушадиган иссиклик миқдоридир.

Юкоридаги омиллар таъсирида хосил буладиган ишлаб чикариш зонасидаги хаво мухитини саноат микро иклим деб айтилади. Метрологик омиллар хар бири айрим холда ёки бир неча бирликда инсонни мехнат клиш кобилиятига, соглигига жуда катта таъсир курсатади, терморугляцияси бузилади. Масалан, иш жойида харорат меъёридан хаво мухитидан юкори булса,

кишини терлаши тезлашади, чунки одам танасида атроф мухит микро иклим шароити коникарсиз булишидан катъий назар харорат алмашинуви  $36,5...37^{\circ}\text{C}$  гача булади.

Айникса огир жисмоний иш бажарганда танада биокимёвий реакция тезлашади ва шунга етарли энергия ишлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам йил фаслига қараб жисмоний ишлар 3 турга бўлинган бўлинган бўлиб, хурорат  $16^{\circ}\text{C}$  дан  $28^{\circ}\text{C}$  гача белгиланган.

Хавонинг намлиги одамни иш қобилиятига сезиларли даражада таъсир қилади. Хавонинг намлиги абсолют миқдорда яъни ҳаводаги сув буглари  $\text{г/м}^3$  да булади. Нисбий намлик % да белгиланади, яъни мазкур ҳаво муҳитида энг юқори бўлган сув буглари шу даврдаги ҳаво хароратига мос равишда булади. Шунинг учун ҳам намлик 20 % дан паст бўлса, одам танаси бушашиб, иш қобилияти пасаяди. Агар ҳаво намлиги меъридан 80 % дан юқори бўлганда эса одамда иссиқлик алмашинуви бузилади. Шунинг учун ҳам ГОСТ 12.1.005-76; 12.1.088-88; СН 245-71; СНиПП 04-05-87 ларда нисбий намлик 40-60 % гача белгиланган. Хонада хавонинг силжиш тезлигига қараб 70 % гача бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш қорхоналарида ҳаво намлигининг қупайишига қупрок доимо суюқликларни буглатиб чиқарувчи технологик жараёнлар ҳисобланади. Узок муддат паст хароратда меъёрдан юқори миқдори намликни таъсирида Туберкуллёз ва бошқа касалликларни келиб чиқишига олиб келади. Юқори хароратда юқори миқдордаги намлик таъсири оқибатида бош айланиш, қунгил айнаш, иссиқ уриш, токи ҳушидан йукотгунча олиб келади. Чунки иссиқ цехларда қучли терлаш оқибатида биокимёвий реакция оқибатида энергия ҳосил қилувчи зарур туз ва фойдали моддалар тондан фойдасиз чиқариб юбориш натижасида ойгр касаллигини келтириб чиқаради.

Юқоридаги ҳолатлар ишлаб чиқариш қорхоналарида асосий вазифа шуки, меҳнат шароитини ташкил қилишни илмий асосда комплекс яъни бир вақтнинг узида ҳал қилинса, намлик, хавонинг силжиш тезлиги, ишлаб чиқариш унумдорлигига эришилади ва оптимал меҳнат шароитига эришилади. Бунинг учун техник ва санитария-гигена тадбирларни комплекс олиб борилади.

Иссиқ фаслларда хавонинг хавонинг силжиш тезлиги 0,5-1,0 м/с совук фаслларда эса 0,2-0,5 м/с гача белгиланган. Йилнинг иссиқ фаслларида йилнинг суткалик харорати  $10^{\circ}\text{C}$  дан юқори ёки совук фаслларда ва утиш даврларда хавонинг харорати  $+10^{\circ}\text{C}$  дан паст даражасини эътиборга олиб хавонинг силжиш тезлиги меъёрлари белгиланади. Шунинг учун ута намлик юқори бўлган иш жойларида иссиқ цехларида хавонинг силжиш тезлиги 3,5 м/с гача таъминланади. Шуни ҳам таъкидлаб утиш жоизки ута паст хавонинг силжиш тезлиги ишчининг сезгирлигига ноқулай таъсир қурсатади, айникса конвер ишлаб чиқариш цехларида ишчи тез чарчайди, иш қобилияти сезиларли пасаяди.

Бунинг учун қомфорт ҳолатини ташкил этиш керак, бу ишчини табиатини ва иш унумдорлигини оширади, иссиқлик алмашинувини яхшилади.

Иссиқлик алмашинувини 3 хил усул билан белгиланади:

- биокимёвий;
- қон айланишини узғариши;
- терлашнинг ҳолатларига қараб.

Биокимёвий алмашинувида организмда содир бўлаётган ҳолатларни совутилган шароитга айланганда иссиқлик ажратилиши 130-200 Вт гача қупаяди.

Қон айланишини узғариши киши танасида қизиганда ташқарига иссиқлик бериш қучаяди, қон-томирлари қенгаяди, қон қуп миқдорда оқади, агар совук муҳитга тушиб қолса, унинг акси бўлиб, қон томирлари тораяди. Қон миқдори оқими озаяди ва иссиқлик ажратилиши пасаяди.

Терлаш натижасида танадаги намлик бугланиб, тери юзаси иссиқлик йукотади. Юқоридаги ҳолатларда иссиқлик алмашинуви натижасида хона ичидаги иклим тарқибини ҳам узғартиради.

Мухит “Қомфорт” ҳолатида иссиқлик бериш, иссиқлик ажратиш билан тенг миқдорда булади. Шунинг учун киши танасида  $36,5...37^{\circ}\text{C}$  харорат сақланади.

Агар иссиқликни қуп ажратса, иссиқликни ҳосил бўлишига нисбатан ҳар икки жараёнда ҳам ишга муносабати ва қобилиятига пасаяди. Иш унуми пасаяди ва ҳатто бахтсиз ходисаларга касалланишига сабаб булади.

Ишлаб чиқариш қорхоналаридаги метрологик шароитлар СН-245-71 да белгиланган. Масалан,

Агар харорати 20 ккал/м<sup>3</sup> булса,  
Хаво харорати 20-22<sup>0</sup>С булиши керак.  
Намлик 60-30 %

Хаво тезлиги 0,2 м/с бу холатда норма харорат 17-22<sup>0</sup>С, нисбий намлик 75% ва 0,3 м/с булади.

Микроклимата шароитларини куйидаги асбоблар ёрдамида улчанади: “Психометр”-Август, аспирацион психометр, “Ассман”, косачали ва канотли анометр, барометр ва секундомер билан улчанади.

Атроф мухит экологик шароитини саклаш учун ишлаб чикариш корхоналарини шамоллар чамбарагини хисобга олган тартибда амалга оширилади(роза ветров) ва шу корхонадан чикадиган зарарли моддаларни назарда тутилади.

Агар иссик цехларда хавони силжиш тезлиги ута юкори булса, иш жойида хароратни бирданига пасайиб кетиши, окибатида ишчилар орасида шамоллаш касалликларини купайтиришига олиб келади.

Хаво мухитини соғломлаштириш буйича утказиладиган тадбирлар. Хаво мухитини ишчи мухитидаги талаб килинган холати, маълум бир тадбир асосида амалга оширилади.

Уларга куйидагилар киради:

1. Ишлаб чикариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, масофадан туритб бошкариш, масалан, кулда пайвандлашни автоматлаштириш, соғлом меҳнат шароитини вужудга келтиради;

2. Зарарли моддалар ажратмайдиган ва иш мухитига чикармайдиган технологик жараёнлар ва жихозларни жорий килиш, масалан, суюк ёкилги урнига газ холидаги моддаларни куллаш;

3. Иссиклик ажратадиган манбалардан сакланиш, бу хоналардаги аник иссиклик микдорини камайишига олиб келади;

4. Хоналарни шамоллатиш ва иситишни таъминлаш, хавони мухитини соғломлаштиришда мухим омил хисобланади;

5. Иссик ёки совук иш мухитларида махсус кабиналардан фойдаланиш (масалан, пахта тозалаш, пилла ишлаб чикариш фабрикаси ва заводларидаги клланилган кабиналар)ни мисол келтириш мумкин.

Терморегуляция - инсон организмнинг атроф мухит билан иссиклик алмашиниш ва бунда узининг хароратини муайян, доимий даражада (36.5<sup>0</sup>С) да тутиб туриш хусусиятидир.

Организмнинг иссиклик чикариши ва тери сиртида иссиклик чикиши, нур сочилиши ва намнинг бугланиши эвазига юз беради. Агар атроф-мухитнинг хароратга терининг хароратидан паст булса, у холда терморегуляция дастлабки икки омил хисобига содир булади. Терининг ва атроф-мухитнинг хароратидан паст булганда терморегуляция учинчи омил-бугланиш таъсирида юз беради.

Тери сиртидан бугланиш жадаллиги хавонинг намлиги ва харакатланиш тезлигига боглик. Юкори хароратларда хавонинг намлигини камайтириш инсоннинг иссиклик узгаришларини хис этиш кобилиятига яхши таъсир курсатади, чунки курикрок хаво нам хавога караганда купрок бугланади, бинобарин, организмнинг иссиклик бериши ортади. Хавонинг юкори харорати ва юкори намлиги биргаликда бугланиш жараёнини кийинлаштиришда, бугланиш натижасида иссиклик берилиши камаяди, шу сабабли иссиклик организмда колади. Паст хароратларда эса хаво намлигининг ортиши организмнинг совишини тезлаштиради, чунки нам тери ва нам хаво иссикликни яхшрок утказди. Шундай килиб. Паст хароратларда хавонинг юкори намлиги инсон учун нокулайдир.

Инсон организмнинг атроф-мухитга иссиклик чикариши конвенция, нурланиш, иссиклик узатиш, бугланиш ва нафас олиш оркали амалга ошади.

### МАЪРУЗА № 3 ИШЛАБ ЧИКАРИШДАГИ ЗАРАРЛИ МОДДАЛАР

- 1. Ишлаб чикаришдаги зарарли моддалар ва стандарт тизимлари.**
- 2. Ишлаб чикаришдаги зарарли моддалар турлари ва инсон фаполиятига таъсири.**
- 3. Саноатда ишлаб чикариш чанги ва зарарли таъсири.**

#### 4. Чангга карши кураш чора тадбирлари.

Машина ва одамлар ишлаётган ишлаб чиқариш хоналарида турли зарарли омиллар ажралиб чиқади. Бу омиллар инсонга ёмон физиологик таъсир курсатади ва касбий касалланишларни келтириб чиқаради. Пилла тортиш ва ипак йигириш ишлаб чиқаришларининг зарарли омилларига чанг, юкори харорат, хавонинг намлиги, захарли газлар, материал ифлосликлар киради.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг иш жойларида ишчининг кулай иш шароитида ишлаши учун хаво мухити куйидаги таркибида булиши керак: азот-78,8%, кислород-20.95%, инерт газлар-0.93%, углерод гази-0.03%, бошка турдаги газлар-0.01 % дан иборат булиб, бу нафас олиш учун кулай мухит ҳисобланади. Аммо ишлаб чиқариш корхоналари иш жойларини турли зарарли моддалар жумладан, чанг газлар, буг ва бошка зарарли аралашмаларнинг ажралиб чиқиши оқибатида нокулай хаво мухитини вужудга келтириб, инсон саломатлигига салбий таъсир курсатади. Шунинг учун корхоналарни лойихалашда стандарт ва санитария нормалари талаблари асосида амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам саноат корхоналарини лойихалашда “Умумий санитария-гигиена талаблари” (Воздух рабочей зоны). ГОСТ 12.1.005-76 талаблари асосида (ПДК придельно-допустимой концентрация) ёки РЭЧМ -рухсат этилган чегаравий меъёрлар буйича иш жойидаги хаво мухити билан таъминланади. Кайсики бундай меъёрий таркибидаги хаво мухитида ишланган ишчи умумий иш стажиди ҳам турли касалликларга учрамаслиги мумкин.

Агар иш жойидаги хаво мухити бир вақтнинг узида бир неча зарарли моддалар била ифлосланса ва бир томонлама таъсир этса унда куйидаги меъёрлар белгиланган.

$C_1/ПДК_1 + C_2/ПДК_2 + \dots + C_n/ПДК_n$ , бунда  $C_1 \dots C_n$ -хаво мухитидаги аниқ микдор,  $мг/м^3$ ,  $ПДК_1 \dots ПДК_n$ -иш жойидаги хаво мухитидаги зарарли моддалар,  $мг/м^3$ .

Бир вақтда таъсир килувчи ёки бир йуналишда таъсир килувчи зарарли моддаларга купрок кимё таркиби ва организм абсолют зарарли таъсир этувчи моддалар микдори йигиндиси деб аталади (СН 245-75).

Мехнат муҳофазаси стандарт тизимлари ГОСТ 12.1.005-76 “Вредные вещества” кайсики инсон танасига таъсир даражасига караб, хавфлилик даражасига караб ҳамма зарарли моддалар 4 та синфга булади.

1-Синф. Ута хавфли моддалар, бундай моддаларга ПДК 0,1  $мг/м^3$ .

2-Синф. Юкори хавфли моддалар, бундай моддаларга 0,1 ПДК 1,0  $мг/м^3$ .

3-Синф. Уртача хавфли моддалар, бундай моддаларга 0,1 ПДК 10,0  $мг/м^3$ .

4-Синф. Кам хавфли моддалар, бундай моддаларга ПДК 10,0  $мг/м^3$  зарарли моддалар саклаган микдорда хаво таркибларига ажратилади.

Зарарли моддаларни кайси синфга киришидан катъий назар улар 6 та курсаткичга булинади:

1. Уртача улим дозаси — бу хайвон ошкозонига белгиланган зарарли моддани юборилса улимга олиб келиши тушунилади. Кайсики хайвон ошкозонига шу микдорда зарарли модда юборилса, текшириладиган хайвонлардан 50 % ида улим содир булади.

2. Уртача улимни келтириб чиқарувчи концентрация: бу 2 соат мобайнида зарарли моддалар мавжуд хаво мухитидан нафас олиш йули билан таъсир этилиши натижасида 50 %, текширув утказилаётган хайвонларни улишига сабаб булади.

3. Ярим уртача улим дозаси: бундай микдорни тери оркали юборилгандаги таъсири тушунилади. Бунда тери оркали бир марта зарарли моддаларни терига юборганда 50 % текшириладиган хайвонлар улимга ахкум килинади.

4. Нафас олиш органлари оркали мумкин булган захарланиш мумкин булган коэффиценти: бу зарарли моддаларни 20<sup>0</sup>С хаво мухитида юкори йигиндисида (концентрацияга) етганда сичконлар учун уртача улим келтириб чиқарувчи концентрация ҳисобланади.

5. Уткар таъсир килувчи мухит: бунда зарарли моддаларни уртача улимга олиб келувчи концентрацияси оз микдордаги концентрациядан фарк килади ва бутун организмда биологик ва физиологик реакцияларни келтириб чиқаради.

6. Сурункали ёки узок муддатда таъсир килувчи мухит: бунда оз микдорда паст концентрацияли зарарли моддалар мавжуд хаво мухитида биологик ва физиологик курсаткичларни мослашиб,

яъни паст концентрацияли мухитда 4 соатдан 5 марта бир хафтада утказилса 4 ойдан кам булмаган муддатда турли реакцияларни келтириб чикариши мумкин.

Ахоли яшайдиган худудларда зарарли моддаларни меъёри(РЕЧМ)(ПДК) Санитария нормалари(СН 245-71) белгиланган.

Бу микдорлар меъёри уртача суткали ва юкори бир мартали концентрациялар фарк килади.

Уртача суткали концентрация ёки доза зарарли таъсир даражаси бир суткали муддат давомида утмайди.

5-Жадвал

№	Курсаткичлар номи	Хавфли синфлар меъёри			
		1-синф	2-синф	3-синф	4-синф
1	Рухсат этилган чегаравий микдор(РЭЧМ) хаво мухитига зарарли моддалар учун,мг/м <sup>3</sup>	камида 0,1	0,1...0,1	1,1...10,0	купи билан 10,0
2	Хайвон ошкозонига юборилган уртача улим дозаси, мг/кг	камида 15	15...150	151...5000	купи билан 5000
3	Тери оркали юбориладиган уртача улим дозаси, мг/кг	камида 100	100...500	501...2500	купи билан 2500
4	Уртача улим дозаси ва хаводаги концентрацияси, мг/м <sup>3</sup>	камида 500	500...5000	5001...50000	купи билан 50000
5	Нафас йули билан захарланиши мумкин булган зарарли моддалар йигиндиси	купи билан 300	300...30	29...3	камида 3
6	Уткир таъсир килувчи худуд	купи билан 6,0	6,0...13,0	13,1...54	камида 54,0
7	Сурункали таъсир килувчи худуд	купи билан 10,0	10,0...5,0	4,9...2,5	камида 2,5

Хаво мухитидаги зарарли моддалар таркиби ишлаб чикариш иш жойларига бериладиган хаво алмашинувида иш жойидаги хаво мухитида зарарли моддалар микдори ПДК ёки РЭЧМ дан 30 % дан купайиб кетмаслиги керак.

Умуман СН, ГОСТ талаблари буйича ишлаб чикаришдаги хаво алмашинуви оркали ташки мухитга чикарилаётган хаво таркибидаги зарарли моддалар ер бетидеги микдори, хаво мухитидаги микдоридан купайиб кетмаслиги керак.

2. Одамнинг мехнат фаолиятида таъсир этадиган ва иш кобилиятини пасайтирадиган, соглигини бузадиган, касбий касалликларни ёки захарланишларни вужудга келтирадиган моддаларга ишлаб чикариш захарлари деб аталади.

Захарлар организмга умумий ёки махаллий таъсир этиши мумкин. Умуман захарланишда захарли модда канча сурилиб, умумий организмга таъсири ривожланади. Бунда айрим органлар ёки системаларга таъсир килади.

Масалан, марганец билан захарланганда асаб системаси, бензолдан захарланганда эса кон хосил килувчи органлар зарар куради.

Захарли моддалар махаллий таъсир этадиган тукималар шикастланади. Бунда тукималарнинг парчаланиш махсулотлари сурилиши ва нерв тукималарига таъсир килиб, рефлектор реакцияларни келтириб чикаради. Бундай захарланиш купинча ишкорлар, кислоталар ва булгар билан тери ва шиллик пардаларнинг куйиши содир булганда кузатилади.

Ишлаб чикаришда захарланишлар уткир, уртача уткир ва сурункали формаларда булади. Бу захарланишлар куйидагича характерланади:

1. Захарнинг таъсири киска муддатда бир смена давомида содир булади.

2. Организмга захар нисбатан катта микдорда тушади - бунда захарли модданинг хаводаги микдори жуда юкори булиши ёки захарли моддани янглишиб ичиб куйилиши ёки тери захарли модда билан каттик ифлосланиши натижасида захарланиш келиб чиқади.

Сурункали захарланишлар организмга нисбатан оз микдордаги захарларнинг узок вақт давомида аста-секин йигилиши натижасида пайдо булади. Улар организмда захарнинг узи йигилиши ёки улар келтириб чиқарадиган узгаришлар туфайли пайдо булади. Организмнинг бир захар билан сурункали ва уткир захарланишида организмлар ва системаларнинг шикастланиши бир-биридан фарк килиши мумкин.

Масалан, бензолдан уткир захарланишда кон системаси зарар куради ва наркотик таъсир кузатилади. Сурункали захарланишда эса кон ишлаб чиқариш системаси зарарланади.

Уткир ва сурункали захарланишлар билан бир каторда уртача уткир формадаги захарланишлар фарк килиниб, булар пайдо булиши ва белгиларига кура уткир захарланишларга ухшаш булсада, бироқ аста секин ривожланади ва бирмунча сурункали давом этади.

Ишлаб чиқариш захарлари билан юкорида кайд этилган захарланишлардан ташқари балки организмда бошка салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Оқибатда организмда биологик қаршиликларни келтириб чиқариб, юкори нафас йулларида катори, туберкулёз, юрак-кон томирлари системаси касалликларини ривожланишига қулай шароит яратади. Бундан ташқари аллергик таъсир курсатиб, натижада бронхиал астма эгзема ва бошка катор захарланиш оқибатларини келтириб чиқаради, баъзи бирлари генетик таъсир курсатиб, майиб-мажрухликни ривожланишига олиб келиши мумкин.

Ишлаб чиқаришда захарли моддаларнинг организмга тушиш йуллари нафас йуллари ва тери қопламалари орқали булиб, газлар, буглар, туман ва аэрозоллар билан нафас олиш натижасида захарланиш пайдо булади. Бунда упқа туқималари орқали канча тез сурилиб турли органлар ва системаларга утиб уз таъсирини курсатади ва организмда тез тарқалади.

3. Саноатда ишлаб чиқариш чангининг турлари: саноатда, транспортда ва кишлок хужалигида куп ишлар чанг ҳосил булиши ва ажралиши билан амалга оширилади.

Умуман чанглари турларга булганда уларнинг келиб чиқиш манбаларининг ҳисобга олиб, улар табиий ва сунъий чангларга булинади. Маълумки, чангланган хаво муҳити инсониятни қадим замонлардан бери таъкиб килиб келган.

Каттик модданинг хавода муаллақ ҳолатда учиб юрадиган энг майда заррачаларни чанг деб аталади.

Табиий чанглари каторига инсон таъсирисиз ҳосил буладиган чанглари киритилади. Бундай чангларига шамол, каттик буронлар таъсирида кум ва тупроқларнинг эрозияларланган қатламларининг училиши, усимлик ва хайвонот оламидан пайдо буладиган чанглари, вулконлар отилиши, космик чанглари киритилиши мумкин. Табиий чангларининг атмосферадаги микдори, табиий шароитга хавонинг метрологик ҳолатига, йилнинг фаслига ва аниқланаётган зонанинг қайси минтақага жойлашишига боғлиқ.

Масалан, атмосферадаги чангнинг микдори шимолий районларга нисбатан жанубий районларда урмон зоналарига нисбатан чул зоналарида, шунингдек, киш ойларига нисбатан ёз ойларида купрок булиши мумкин.

Аниқланишига ҳар бир кубометр хаво таркибида шахар зоналарида 6000 га яқин ҳар хил катталиқдаги чанг зарралари булишини ҳисоблаб аниқланган: далалар ва боғларда бу микдор 10 марта камайди, тоғ зоналарида эса ундан ҳам камрок чанг зарралари учрайди.

Сунъий чангларига саноат қорхоналарида ва қурилишларида инсоннинг бевосита ёки билвосита таъсири натижасида ҳосил буладиган чанглари қиради.

Масалан, машинасозлик саноатида, кимё саноатида, иссиқлик электростанцияларида, қозонхоналарда, пахтани қайта ишлаш қорхоналарида, енгил саноат қорхоналарида, уй қурилиш қомбинатларида, қурилиш материалларининг қарьерларида портлаш ишлари қумир ва цемент ишлаб чиқариш ва бошка қупгина ишлаб чиқариш қараёнларида ажратиладиган жуда куп микдордаги чанглари атроф муҳитга чиқариб юборилиши табиатга ҳалокатли таъсир курсатиши мумкин. айрим саноат тармоқларида хусусан кимё саноатида ажраладиган шундай хавфли саноат чанглари тозаламасдан атроф-муҳитга чиқариб юбориш оқибатида қожияли ҳолатларни келиб чиқишига сабаб булади.

Чангнинг келиб чиқишига кура органик, минерал ва аралаш чанглар мавжуд. Чангнинг зарарли таъсирининг характери асосан унинг кимёвий таркибига боғлиқ. Чанглар катталиги, яъни дисперслигига кура уч гуруҳга бўлинади:

1. Катталиги 10 мкм.дан катта бўлса, чанглар одатда бундай чанглар уз гравитацион оғирлиги таъсирида ерга қунади.

2. Катталиги 10 мкм.дан 0,25 мкм.гача бўлган чанглар. Бу чанглар майда ёки микроскопик чанглар деб юритилади. Бундай чанглар жуду секинлик билан қунади.

3. Катталиги 0,25 мкм.дан кичик бўлган чанглар бундай чанглар ультрамикроскопик чанглар деб юритилади ва бу чанглар ҳеч қачон ерга қунмай “Бурон” ҳаракати қоидаларига бўйсунган ҳолда ўқиб юради, узок муддатда бир-бирига қушилиши натижасида массаси оғирлашиб қуниши мумкин.

**4.**Ишлаб чиқаришдаги чангнинг ишчилар саломатлигига зарарли таъсири куп омилларга боғлиқ бўлади. Биринчи навбатда чанг зарраларининг физик-кимёвий хоссалари, катталиги ва шакли ҳаводаги чанг микдори, смена давомида таъсир этиш муддати ва касб стажи, муҳит ва меҳнат фаолияти каби бошқа омилларнинг бир вақтда таъсир этиши қиради.

Масалан: ташқи ҳарорат қутарилганда ёки киши жисмоний меҳнат билан шугулланган тез-тез нафас олиш натижасида организмга чанг кириш даражаси ортади. Бир вақт ичида радиоактив аэрозоллар бўлиши ва ҳаводаги газлар.

Чангнинг гигиеник таъсирдан ташқари бошқа салбий томонлари ҳам бор. У технологик жиҳозларнинг емирилишига олиб келади. Қиммат баҳо материалларни ишдан чиқариб иктисодий зарар етказади.

Саноат ишлаб чиқариш муҳитини умумсантария ҳолатини ёмонлаштиради, жумладан, дераза, ёриткич арматураларини ифлосланиши оқибатида табиий ва сунъий ёруғликни камайтиради. Чангнинг баъзи турлари қумир, ёғоч чанглари ёнгин ва портлашнинг келиб чиқишига шароит яратади, салбий таъсир этмаслиги ҳисобга олинади.

Мисоллар билан таништирилади. Корхоналардан чиқадиган зарарли моддаларни(чанглар, гизлар, хидлар ва бошқалар) турларига қараб, СН 245-71 талабларига биноан химоя зонаси чегаралари белгиланади.

Технологик жараёнлари атмосфера ҳавосига зарарли ва ёқимсиз хид чиқарадиган моддалар манбаи бўлиб, саноат корхоналари аҳоли яшайдиган уй-жойдан санитария химоя зоналари(СХЗ) билан ажратиб қуйилади.

Санитария классификациясига мувофиқ(1) корхоналар учун қуйидаги СХЗ узунлиги белгиланади: I гуруҳ-1000 м, II-гуруҳ-500м, III-гуруҳ-300м, IV-гуруҳ-100м, V-гуруҳ-50 м.

Санитария химоя зоналарининг узунлиги-м, корхонанинг жойлашган районидаги йиллик урта шамоллар чамбараги қараб шамолнинг турли йуналишлари учун аҳолида формула бўйича аниқланади:

бу ерда Р-қуриб чиқилган румбада шамол йуналишининг йиллик уртача тақрорланиши, (биринчи иловада келтирилган Р-шамолнинг айланма чамбараги 1 та румбадаги шамол йуналишининг тақрорланиши саккиз румбали шамоллар чамбараги вақтида Р-12,5 берилган йуналишдаги майдон узунлиги м. Бунда зарарли моддалар йиғиндиси чиқиндиларнинг руҳсат этилган чегарали концентрациясидан куп).

Чангга қарши қураш чора-тадбирлари:

1. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш технологиясини такомиллаштириш, аппаратларни герметиклаш иложисиз ҳолатларда маҳсус кабиналардан фойдаланиш;

2. Захарли моддалар урнига захарсизларини ишлатиш (қургошинли печменлар, руҳ ёки титан билан алмаштирилади ва х.к) ута захарли моддаларни соф ҳолда ишлатишни бутун тақиклаш ёки маҳсус бакларда тазалаш;

3. Чанг асосан организмга нафас олиш йуллари орқали қиради ва зарарли таъсир қурсатади. Яна юқори нафас йулларини, упкани касаллантиради, шунинг тери, қузга ҳам зарарли таъсир



курсатади. Бундан ташкари чанглар турли юкумли касалларни таркалишига муҳим омил були хисобланади(грипп, туберкулёз, сарик а х.к.).

Чангларнинг организмга куп хил хаарктерда курсатишини уларнинг кимёвий таркиби белгилайди. Чангнинг асосий салбий таъсири энг аввало нафас олганда юзага келади, яъни упкада бириктирувчи тукумаларда фиброзли узгаришлар вужудга келтиради.

Масалан, Si<sub>2</sub>(кремний икки оксиди) чанги таъсирида счаликоз касаллигини келтириб чикаради. Бундан хулосалаш, йутал кукракда огрик хосил булишидан хосил булади.

Саноат ишлаб чикариш мухитини умумсанитария холатини ёмонлаштиради. Жумладан, дераза, ёриткич жихозларини ифлосланиши окибатида табиий ва сунъий ёругликни камайтиради. Чангнинг баъзи турлари кумир, ёгоч пахта чанглари ёнгин ва портлаш келиб чикишига шароит яратади.

## **9. Fanning metodik ta`minoti.**

### **9.1. Foydalaniladigan adabiyotlar ro`yxati.**

#### **Asosiy adabiyotlar**

1. A.Qudratov va hammualliflari. Hayotiy faoliyat xavfsizligi. Toshkent. 2005 yil.
2. I.Yildoshev va hammualliflari. Mehnatni muxofaza qilish. Toshkent. 2002 yil.
3. «Bezopasnos`t jiznedeyatel`nosti». Pod red. S.B.Belova. – M.: Visshaya shkola, 2006. 240 s.
4. M. Tadjiev, Ne`matov I. i dr. Favkulotda vaziyatlarda fuqaro muxofozasi –Toshkent, 2003 – 260 s.
5. A.D.Xudoev. Yong`in xavfsizligi. O`quv qo`llanma- Toshkent, 2006 – 731 b.
6. F. YOrmatov. Xayot faoliyat xavfsizligi. Ma`ruzalar matni – Toshkent: TDTU tipografiyasi, 2005 – 361 b.
7. F. YOrmatov. Favqulotda vaziyatlarda xavfsizlik va unga qarshi kurashish chora-tadbirlari. Ma`ruzalar matni – Toshkent: TDTU tipografiyasi, 2004 – 96 b.
8. Entsiklopediya po BJD. –M.: Entsiklopediya, 2005 g.
9. INTERNET sayt WWW. ilo. Org.

#### **Qo`shimcha adabiyotlar**

1. S.A.Boltabayev va hammualliflari. Tibbiy bilim asoslari. (Ma'ruzalar to'plami). Namangan 2005 yil.
2. SH.K.Maxmudova, M.S.Iskandarova. Kasb kasalliklari. Toshkent, Abu Ali Ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti, 1996 yil.
3. Mehnat muxofazasi to`g`risida. O`zbekiston Respublikasi Qonuni. Toshkent, 6 may 1993 yil.
4. Mehnat to`g`risida. O`zbekiston Respublikasi Qonuni. Toshkent, 26 may 1996 yil.
5. Konstitutsiya Respubliki Uzbekistan. 8.12.1992g.
6. Zakon RUz. «O terrorizme».
7. Zakon RUz. «O grajdanskoy zashite» 26.05.2000g.
8. Zakon RUz. «O radiatsionnoy bezopasnosti» 31.08.2000g.
9. Zakon RUz. «O gosudarstvennom sanitarnom nadzore».
10. Zakon RUz. «Ob oxrane zdorov`ya grajdan».

### **9.2. Ko`rgazmali qurollar, metodik qo`llanma, ko`rsatma va o`qitishning texnik vositalari.**

#### **9.2.1. Ko`rgazmali qurollar.**

Tablitsalar, plakatlar, rasmlar, diafilmlar.

#### **9.2.2. Metodik qo`llanma va ko`rsatmalar.**

1. I.Yildoshev, U.Usmanov, M.Mirabxalov. YONG`in xavfsizligi asoslari. O`quv qo`llanma. Toshkent, 1995 y.
2. Hayotiy faoliyat xavfsizligi fani bo`yicha ma`ruzalar matni.
3. Amaliy mashg`ulotlar uslubiy ko`rsatmalari.